

«РУЙХАТГА ОЛИНГАН»
Ўзбекистан Республикаси
Адлия Вазирлиги томонидан
2014 йил « 25 » июн да –
189 -сон билан

A. Husnulloev

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Universal Sug'urta»
yopiq aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг
2014 йил 18 июндаги
умумий йиғилиши томонидан
2014 йил 20 июнда 2-сонли
Баённомаси билан

Музаффаров З.А.



**«UNIVERSAL SUG'URTA»
AKSIYADORLIK JAMIYATI
USTAVI**

(YANGI TAHRIRDA)

Toshkent sh. -2014 y.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур «Universal Sug'urta» aksiyadorlik jamiyatining (кейинчалик матнда «Жамият») Устави Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамиятнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида: «Universal Sug'urta» aksiyadorlik jamiyati.

Рус тилида: акционерное общество «Universal Sug'urta».

Инглиз тилида: «Universal Sug'urta» Joint-Stock.

1.3. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида: «Universal Sug'urta» AJ.

Рус тилида: АО «Universal Sug'urta».

Инглиз тилида: «Universal Sug'urta» JS.

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100077, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, Буюк Ипак Йули кўчаси, 218-220 уй.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uns.uz.

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.uns.uz.

1.7. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

2.1. Жамият ушбу уставда белгиланган қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқларига эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

2.2. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга, шу жумладан ўзининг устав фондида (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.3. Жамият ўзининг номи кўрсатилган думалок муҳрга, бурчакли штампга, ўз тимсолига, фирма бланкаларига ва шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.4. Жамият Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида ўз филиалларига эга:

1. Тошкент вилояти филиали

2. Сирдарё вилояти филиали

3. Жиззах вилояти филиали

4. Самарқанд вилояти филиали

5. Бухоро вилояти филиали

6. Навоий вилояти филиали

7. Фарғона вилояти филиали

8. Андижон вилояти филиали

9. Наманган вилояти филиали

10. Қашқадарё вилояти филиали

11. Сурхандарё вилояти филиали

12. Хоразм вилояти филиали

Мазкур филиаллар Жамият томонидан тасдиқланган низом асосида фаолият

юритадилар. Филиаллар раҳбарлари Жамият томонидан тайинланади ва жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритадилар.

2.5. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

III. ЖАМИЯТНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

3.2. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

3.3. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

3.4. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3.5. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

IV. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

4.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

4.2. Жамият ўз мақсадларини амалга ошириш учун қуйидаги фаолиятни амалга оширади:

4.2.1. табиий офатлар, инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги фавкулотда ҳодисалар ва воқеалар томонидан етказилган зарар ва йўқотишларни тўланган суғурта тўловларидан (суғурта муқофотларидан) шаклланган пул маблағлари ҳисобига тўлиқ ёки қисман қоплаш кўринишида жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини суғуртали ҳимоя қилиш;

4.2.2. давлат, тижорат, тадбиркорлик ва бошқа хил тузилмаларга, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентларига кенг миқёсдаги суғурта хизматларини кўрсатиш учун моддий ва номоддий активларни бирлаштириш йўли билан ўз таъсисчилари ва Жамият манфаатларида фойда олиш.

4.3. Жамият фаолиятининг моҳияти қуйидагилардан иборат:

4.3.1. бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;

4.3.2. касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;

4.3.3. ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш;

4.3.4. ҳаракатланадиган темир йул таркибини суғурта қилиш;

4.3.5. авиация суғуртаси;

4.3.6. денгиз суғуртаси;

4.3.7. йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш;

4.3.8. мол-мулкни ёнғиндан ва табиий офатлардан суғурта қилиш;

4.3.9. мол-мулкни зарардан суғурта қилиш;

4.3.10. автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш;

4.3.11. авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш;

4.3.12. денгиз суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш;

4.3.13. умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш;

- 4.3.14. кредитларни суғурта қилиш;
 - 4.3.15. кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш;
 - 4.3.16. бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш;
 - 4.3.17. ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни суғурта қилиш.
- 4.4. Жамият суғурта фаолиятини умумий суғурта соҳасида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлатнинг махсус ваколатли органи томонидан берилган лицензия асосида амалга оширади.

V. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ

5.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

Жамият устав фонди 6 730 108 844 сўм (олти миллиард етти юз ўттиз миллион бир юз саккиз минг саккиз юз қирқ тўрт сўм) 3 070 873,38 Евро (Уч миллион етмиш минг саккиз юз етмиш уч Евро 38 Евроцент) эквивалентига тенг тўлиқ шакилланган. У ҳар бирининг номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган 673 010 884 400 (олти юз етмиш уч миллиард ўн миллион саккиз юз саксон тўрт минг тўрт юз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклда чиқарилган жамият акцияларга бўлинган.

5.2. Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда 900 000 000 000 (тўққиз юз миллиард) дона номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган эълон қилинган, оддий (қўшимча) эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклда акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

5.3. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.4. Қўшимча акциялар эълон қилинган Жамият уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

5.5. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

5.6. Қўшимча чиқарилаётган акциялар ёпик обуна усули билан жойлаштирилади.

5.7. Жамиятнинг устав фондиди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

5.8. Жамиятнинг устав фондиди акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.

5.9. Жамиятнинг устав фондиди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.10. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

5.11. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қискартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.12. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

5.13. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

VI. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ

6.1. Жамият устав фондини шакллантириш учун Жамият оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги 673 010 884 400 (олти юз етмиш уч миллиард ўн миллион саккиз юз саксон тўрт минг тўрт юз) дона ҳар бирини номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм миқдорида бўлган акцияларни чиқарган.

6.2. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказади.

6.3. Жамият акциядорлари ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нархда ва шартларда, уларнинг ҳар бирига тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

6.4. Ўз акцияларини сотаётган акциядор акцияларини сотиш нияти тўғрисида бошқа акциядорларни акцияларнинг нархини ва учинчи шахсга таклиф этиш шартларини кўрсатган ҳолда тўғридан-тўғри ёхуд жамият орқали ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

6.5. Акциядорлар сотаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати акциялар сотувга қўйилган пайдан эътиборан 10 кундан иборатдир.

6.6. Акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

6.7. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади, аммо Ўзбекистон Республикаси «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонунига зид бўлмаган ҳолда. Жамиятни қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

6.8. Жамият томонидан чиқарилган акцияларни сотилишидан Жамият ҳисобига келиб тушган Ўзбекистон Республика валютасидаги пул маблағлари, валюта маблағлари ва бошқа мулкӣ бадаллар амалдаги қонунчилик томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадилар, ҳисобланадилар, сақланадилар ва фойдаланидилар.

6.9. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

6.10. Жамиятнинг устав фонди қўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал

киймати бўйича амалга оширилади.

VII. ЖАМИЯТ ФОНДЛАРИ

7.1. Жамият ўз фаолиятини юритишда суғурта ва бошқа заҳира фондларини ташкил қилади.

7.2. Жамият устав фондининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда жамият заҳира фонди тузилади.

7.2.1. Жамиятнинг заҳира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Заҳира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.2.2. Жамият заҳира фондига ушбу уставнинг 7.2-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказди.

7.2.3. Заҳира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

7.3. Жамият томонидан қуйидаги фондларни барпо этилиши мумкин:

7.3.1. эҳтиёт фонди;

7.3.2. ривожлантириш фонди;

7.3.3. инвестиция фонди;

7.3.4. инновация фонди;

7.3.5. суғурталаш ва қайта суғурталаш хизматларини кўрсатиш учун, шунингдек ўзининг хўжалик харажатларини қоплаш учун зарур бўлган бошқа фондлар.

7.4. Жамият фаолиятининг самарадорлигини оширадиган суғурта фаолиятини юритишда керак бўладиган бошқа фондлар ҳам барпо этилиши мумкин.

8. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

8.1. Акциядорлар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноғижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

8.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IX. ДИВИДЕНДЛАР ТўЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

9.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

9.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

9.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.5. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

9.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

9.8. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

9.9. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтинчи кундан кеч бўлмаслиги лозим.

9.10. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

X. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

10.1. Жамиятнинг бошқарув органлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бош директор).

XI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМЙЙ ЙИГИЛИШИ

11.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

11.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 6 ой муддат ичида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий ҳисобот йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

11.3. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз

берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

11.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

11.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

11.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади: жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

ХII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМЙЙ ЙИГИЛИШИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

12.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) жамиятни қайта ташкил этиш;

в) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) жамиятнинг устав фондини камайтириш;

ё) ўз акцияларини олиш;

ж) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

з) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

и) жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

й) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

к) жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг ҳулосаларини эшитиш;

л) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик қарорни қабул қилиш;

м) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

н) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

о) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

п) қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

с) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул

қилиш;

т) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

у) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

12.3. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

ХШ. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

13.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

13.2. Жамият Кузатув кенгаши 3 (уч) кишидан иборат, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга сайланади.

13.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

13.4. Жамият бошқаруви аъзолари ва бош директори жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

13.5. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

13.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши.

13.7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тўғишли овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

13.8. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

13.9. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақирилади ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

13.10. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

13.11. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, бош директор, акциядорлар ва Кузатув кенгашининг аъзолари талабига кўра чақирилади.

13.12. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси бир йилда тўрт маротабадан кам бўлмаган ҳолда йиғилиши шарт. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

13.13. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

13.14. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13.15. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13.16. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

13.17. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

13.18. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

13.19. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

XIV. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

14.1. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- а) жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- д) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- е) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- ё) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- ж) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- з) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- и) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- й) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- к) жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- л) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- м) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- н) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- о) жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- п) қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- р) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- с) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- т) аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
- у) жамиятнинг устав фондини қўпайтириш масалаларини ҳал қилиш;
- ф) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- х) жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- ч) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- ш) жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқлаш;
- э) жамият Кузатув кенгаши ваколатига бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш берилиши мумкин.

XV. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ

15.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати - Бош директор томонидан амалга оширилади.

15.2. Бош директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

15.3. Бош директор акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

15.4. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

15.5. Бош директор Кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). Бош директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

15.6. Бош директорга тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

15.7. Бош директорнинг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

15.8. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

15.9. Бош директорнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини

ҳимоя қилиш;

- Жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- штатларни тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

15.10. Жамиятнинг бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

15.11. Бош директорнинг ҳуқуқлари у билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланади.

15.12. Бош директорнинг мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

- давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ахборотлар улар томонидан олиниши, Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

- ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш.

15.13. Бош директорнинг мажбуриятлари у билан тузилган меҳнат шартномасида ҳам белгиланади.

15.14. Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

15.15. Бош директор қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

15.16. Бош директор мазкур устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

XVI. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

16.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 киши таркибида бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади.

16.2. Айти бир шахс айти бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

16.3. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

16.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

16.5. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доирасига қуйдагилар киради:

16.5.1. акциядорлик жамияти номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

16.5.2. юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг мавжуд меъёрий қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

16.5.3. молиявий-хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятида белгиланган меъёрий кўрсаткичлар, қоидалар ва ҳоказоларга риоя қилинишини текшириш;

16.5.4. солиқ инспекцияси, статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун Акциядорлик жамиятлари баланслари, ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилганлигини текшириш;

16.5.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси ҳулоса тузади, бу ҳулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт;

16.5.6. Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳулосани ҳар чоракда жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқариш;

16.5.7. амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа массалалар ҳам киради.

16.6. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

16.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

16.8. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

XVII. МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК

17.1. Суғурта бозорида рақобатни чеклаш ёки бартараф этишга, бир суғурталовчиларга бошқаларига қараганда асоссиз афзалликлар берилишига ёки олинишига, суғурта килдирувчилар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига қаратилган фаолиятга йўл қўйилмайди.

17.2. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига ўз уюшмалари (иттифоклари) ва бошқа бирлашмаларидан суғурта бозорини монополлаштиришга қаратилган битимларга эришиш йўлида фойдаланиш тақиқланади.

XVIII. СУҒУРТА СИРИ

18.1. Суғурта килдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар, суғурта килдирувчиларнинг ва суғурталанган шахсларнинг соғлиғи, суғурталанган мол-мулк, суғурта пули, банк ҳисобварақлари мавжудлиги, ушбу ҳисобварақлардаги пул қолдиқлари ва пул ҳаракати ҳақидаги маълумотлар ошкор қилиниши мумкин эмас.

18.2. Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартлари, тавсия этилаётган суғурта битимлари ва операцияларининг рўйхати, суғурта тарифлари, суғурта турлари ҳамда муддатлари очиқ ахборот бўлиб, суғурта сири предмети бўлиши мумкин эмас.

18.3. Ушбу Уставнинг 18.1. бандда кўрсатилган маълумотлар суғурта килдирувчи, шунингдек суғурталанган шахслар ва наф олувчилар ўзларига тааллуқли маълумотларга доир ёзма розилик берганда учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин.

XIX. БОШҚА ХОЛАТЛАР

19.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб қучга киради.

19.2. Жамият Уставида кўзда тутилмаган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

19.3. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

19.4. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**



**МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

100047, Тошкент шаҳри, Сайилроҳ кўчаси, 5-уй
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилрох, 5
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

**2014 йил 26 сентябрь
8/ 4-673/4-сон**

**“Universal Sug’urta”
aksiyadorlik jamiyati
(189)**

“Universal Sug’urta” aksiyadorlik jamiyatining уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар 2014 йил 26 сентябрда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Илова: 1 varaқда.

**Юридик шахсларни давлат рўйхатидан
ўтказиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари**



М.Махмудов



«Universal Sug'urta» Aksiyadorlik Jamiyati
Уставига киритилган ўзгартиришлар

Эски тахрир	Янги тахрир
5.1. банд: «Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият устав фонди 6 730 108 844 сўм (олти миллиард етти юз ўттиз миллион бир юз саккиз минг саккиз юз қирқ тўрт сўм) 3 070 873,38 Евро (Уч миллион етмиш минг саккиз юз етмиш уч Евро 38 Евроцент) эквивалентига тенг тўлиқ шакилланган. У ҳар бирининг номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган 673 010 884 400 (олти юз етмиш уч миллиард ўн миллион саккиз юз саксон тўрт минг тўрт юз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклда чиқарилган жамият акцияларга бўлинган.».	5.1. банд: «Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият устав фонди 9 500 660 000 сўм (тўққиз миллиард беш юз миллион олти юз олтмиш минг сўм) 3 958 139,68 Евро (уч миллион тўққиз юз эллик саккиз минг бир юз ўттиз тўққиз Евро 68 Евроцент) эквивалентига тенг тўлиқ шакилланган. У ҳар бирининг номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган 950 066 000 000 (тўққиз юз эллик миллиард олтмиш олти миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклда чиқарилган жамият акцияларга бўлинган.».
5.2. банд: «Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда 900 000 000 000 (тўққиз юз миллиард) дона номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган эълон қилинган, оддий (қўшимча) эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклда акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.».	5.2. банд: «Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда 622 944 884 400 (олти юз йигирма икки миллиард тўққиз юз қирқ тўрт миллион саккиз юз саксон тўрт минг тўрт юз) дона номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган эълон қилинган, оддий (қўшимча) эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклда акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.».
6.1. банд: «Жамият устав фондини шакллантириш учун Жамият оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги 673 010 884 400 (олти юз етмиш уч миллиард ўн миллион саккиз юз саксон тўрт минг тўрт юз) дона ҳар бирини номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм миқдорида бўлган акцияларни чиқарган.».	6.1. банд: «Жамият устав фондини шакллантириш учун Жамият оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги 950 066 000 000 (тўққиз юз эллик миллиард олтмиш олти миллион) дона ҳар бирини номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм миқдорида бўлган акцияларни чиқарган.».

Бош директор



Махкамов Н.С.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI



МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилгоҳ, 5
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

2015 йил 11 июнь
8/4-461/4-сон

“Universal Sug’urta”
aksiyadorlik jamiyati
(189)

“Universal Sug’urta” aksiyadorlik jamiyatining ustaviga kiritilgan
ўzgartiriш va қўшимчалар 2015 йил 11 июнда давлат рўйхатидан
ўтказилди.

Илова: 1 варақда.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан
ўтказиш бошқармаси бошлиғи




М.Махмудов

Ижрочи: Х.Абдураимов
Тел: 233-75-97



«Universal Sug'urta» Aksiyadorlik Jamiyati
Уставига киритилган ўзгартиришлар

Эски тахрир	Янги тахрир
14.1. банднинг «х» кичик банди: «жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.».	14.1. банднинг «х» кичик банди: «жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини танлов асосида сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. ».
15.5. банд: «Бош директор Кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). Бош директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.».	15.5. банд: «Бош директор Кузатув кенгаши томонидан танлов асосида сайланади(тайинланади). Танловда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин. Бош директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.».

Бош директор



• Махкамов Н.С.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилгох, 5
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

2016 йил 13 декабрь
8/11-987/4-сон

“Universal Sug’urta”
aksiyadorlik jamiyati
(189)

“Universal Sug’urta” aksiyadorlik jamiyatining ustaviga kiritilgan
ўзгартириш ва қўшимчалар 2016 йил 13 декабрда давлат рўйхатидан
ўтказилди.

Илова: 3 varaқда.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан
ўтказиш бошқармаси бошлиғи



М.Махмудов



«Universal Sug'urta» Aksiyadorlik Jamiyati
Уставига киритилган ўзгартиришлар

Эски тахрир	Янги тахрир
5.1. банд: «Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият устав фонди 9 500 660 000 сўм (тўққиз миллиард беш юз миллион олти юз олтмиш минг сўм) 3 958 139,68 Евро (уч миллион тўққиз юз эллик саккиз минг бир юз ўттиз тўққиз Евро 68 Евроцент) эквивалентига тенг тўлиқ шакилланган. У ҳар бирининг номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган 950 066 000 000 (тўққиз юз эллик миллиард олтмиш олти миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклда чиқарилган жамият акцияларга бўлинган.».	5.1. банд: «Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият устав фонди 12 505 660 000 сўм (ўн икки миллиард беш юз беш миллион олти юз олтмиш минг сўм) 4 832 985,74 Евро (тўрт миллион саккиз юз ўттиз икки минг тўққиз юз саксон беш Евро 74 Евроцент) эквивалентига тенг тўлиқ шакилланган. У ҳар бирининг номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган 1 250 566 000 000 (бир триллион икки юз эллик миллиард беш юз олтмиш олти миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклда чиқарилган жамият акцияларга бўлинган.».
5.2. банд: «Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда 622 944 884 400 (олти юз йигирма икки миллиард тўққиз юз қирқ тўрт миллион саккиз юз саксон тўрт минг тўрт юз) дона номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган эълон қилинган, оддий (қўшимча) эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклда акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.».	5.2. банд: «Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча, равишда 322 444 884 400 (уч юз йигирма икки миллиард тўрт юз қирқ тўрт миллион саккиз юз саксон тўрт минг тўрт юз) дона номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган эълон қилинган, оддий (қўшимча) эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклда акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.».
5.3. банд: «Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин».	5.3. банд: «Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин».
5.4. банд: «Қўшимча акциялар эълон қилинган Жамият уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан	5.4. банд: «Қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан

жойлаштирилиши мумкин.»	жойлаштирилиши мумкин.»
5.7. банд: «Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қискартирилиши керак.»	5.7. банд: «Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.»
5.8. банд: «Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.»	5.8. банд бекор қилинсин 
5.9. банд: «Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.»	5.9. банд: «Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.»
6.1. банд: «Жамият устав фондини шакллантириш учун Жамият оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги 950 066 000 000 (тўққиз юз эллик миллиард олтмиш олти миллион) дона ҳар бирини номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм миқдорида бўлган акцияларни чиқарган.»	6.1. банд: «Жамият устав фондини шакллантириш учун Жамият оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги 1 250 566 000 000 (бир триллион икки юз эллик миллиард беш юз олтмиш олти миллион) дона ҳар бирини номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм миқдорида бўлган акцияларни чиқарган.»
7.2.2. банд: «Жамият захира фондига ушбу уставнинг 7.2-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказди.»	7.2.2. банд: «Жамият захира фондига ушбу уставнинг 7.2-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорида ажратмалар ўтказди.»
8.1. банднинг учинчи хатбоши: «депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;»	8.1. банднинг учинчи хатбоши: «депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;»
12.1. бандининг «и» кичик банди: «жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;»	12.1. бандининг «и» кичик банди: «жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга

	ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиклаш;»
14.1. банднинг «а» кичик банди: «жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;»	14.1. банднинг «а» кичик банди: «жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;»
15.5. банд: «Бош директор Кузатув кенгаши томонидан танлов асосида сайланади(тайинланади). Танловда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин. Бош директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.»	15.5. банд: «Бош директор Кузатув кенгаши томонидан танлов асосида чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади. Бош директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.»

Махкамов Н.С.
13.12.2016г.

Бош директор



Махкамов Н.С.



Сведения об изменении субъекта предпринимательства юридического лица

14.06.2017 г

До изменений	После изменений
1 Наименование юридического лица - субъекта предпринимательства 200811765, UNIVERSAL SUG'URTA	Наименование юридического лица - субъекта предпринимательства <i>Без изменений</i>
2 ОПФ Акционерное общество	ОПФ <i>Без изменений</i>
3 Адрес осуществления деятельности город Ташкент , Мирзо-Улугбекский район , BUYUK IPAK YO'LI KO'CHASI. , 218-220-UY. ,	Адрес осуществления деятельности <i>Без изменений</i>
4 ОКЕД	ОКЕД Страхование, кроме страхования жизни

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ № _____ « _____ » _____ 201_ йил _____	
--	--

«Universal Sug'urta» Aksiyadorlik Jamiyati
Уставига киритилган ўзгартиришлар

Эски тахрир	Янги тахрир
5.2. банд: «Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда 322 444 884 400 (уч юз йигирма икки миллиард тўрт юз қирк тўрт миллион саккиз юз саксон тўрт минг тўрт юз) дона номинал киймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган эълон қилинган, оддий (қўшимча) эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклда акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.».	5.2. банд: «Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда 5 000 000 000 000 (беш триллион) дона номинал киймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган эълон қилинган, оддий (қўшимча) эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклда акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.».

Бош директор



Махкамов Н.С.

Учредители до изменения

Тип учредителя	ИНН учредителя	Ф.И.О. / Наименование	Сумма	Доля
Юридическое лицо	0	AKSIONERLAR	12 505 660 000.00	100.0 %
Уставный фонд 12 505 660 000.00 UZS				100.0 %

город Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ЦЕНТР "Одно Окно"

Подпись: JAXONGIROV SHOXRUX JAXANGIROVICH

